

**ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ
(ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА)**

№ 112/2022

«24» 11 2022 йил

Термиз шаҳри.

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, бошлиғи Ю. Менглиев, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар «Био Иншоот Меъмор Лойиҳа» МЧЖ, бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи раҳбари А.Адинаев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан буюртма килинган Узун тумани «Чинор» МФЙ ичимлик сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш объектининг лойиҳа-смета хужжатлари, тўпосъемка ишлари ва қурилиш устидан муаллифлик назорати ишларини олиб боришни топширади. «Буюртмачи» эса иш ҳажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг кўрсатилган лимит доирасида туловларни амалга оширади.

№	Иш (хизмат)лар номи	Улчов бирлиги	Мик-дори	Бериш киймати	ҚҚС		Бериш киймати ҚҚС билан
					Ставкаси	Суммаси	
1	Узун тумани «Чинор» МФЙ ичимлик сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш объектининг лойиҳа-смета хужжатлари, тўпосъемка ишлари ва қурилиш устидан муаллифлик назорати ишларини олиб боришни топширади.	дона	1	19 304 347,83	15	2 895 652,17	22 200 000
	Жами			19 304 347,83	15	2 895 652,17	22 200 000

2. Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий киймати

2.1 Бажариладиган иш ҳажмининг умумий киймати Республикаимиз миллий валютаси сумда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси ҚҚС билан 22 200 000 (Йигирма икки миллион икки юз минг) сум ташкил қилади.

2.3 Бажариладиган ишнинг киймати, нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, узгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча туловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча қилишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

3. Тулов шартлари

3.1 Шартнома умумий кийматининг 30% и микдорда 10 банк қунида «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида 10 банк қунида қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига утқазиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш ҳажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, ҳисоб-фактура) га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тулик бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига утқазилгандан сўнг 1 ой давомида шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш ҳажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида узгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада курсатилган иш ҳажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тулик бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тулов амалга оширилгандан сўнг, шартномада курсатилган иш ҳажмини бажаришни бошлайди.
- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.
- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни уз вақтида бартараф этиб боради.
- Барча бирламчи рўхсат берувчи хужжатлар, архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), тўпосъемка, муҳандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва экологик экспертизадан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бурғу қудуғи ва х.к.) лойиҳа хужжатлари (талаб этилганда) «Иш бажарувчи» томонидан Давлат хизматлари агентлиги электрон порталига мурожаат қилиш орқали олинади.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон қўздан кечирилади ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;
- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.
- Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тулик қабул қилиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик утқазиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш ҳажмини уз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.4. Шартномада курсатилган иш ҳажмлари «Иш бажарувчи»нинг хатоси билан содир қилинганда «Бажарувчи» ушбу хато ва камчиликларни ўз ҳисобидан «Буюртмачи»нинг иштирокисиз ҳал қилинади. Яъни ўз ҳисобидан ишни бажаради.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш қиритишга йул қуйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда мурасага келинмаганда вилоят Хужалик Суди орқали ҳал қилинади.

8. Қушимчалар

8.1. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага қиритилмаган узғариш ва қушимчалар қонуний қучига эга бўлади. Узғариш ва қушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.3. Шартномада қўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирилаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмасе, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган ҳамда газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга қиради ва «31»декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг қучга эга бўлиб банк ҳисоб-қитобларини амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили

Бажарувчи:

«Бино Иншоот Меъмор Лойиха» МЧЖ

манзил: Термиз шаҳри Тараққийёт к 40 А уй

тел: + 998-(99)-420-00-16

х/р: 2020 8000 5008 8826 7001

Банк: «Турионбанк» АТ Бош офиси

МФО: 00446

СТИР: 305 579 153

ОКЭД: 66000

ККС код 322010180694

Директор:  А.Адинаев



Буюртмачи:

«Ўзсувтаъминот» АЖ «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УҚ Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Термиз шаҳри Тараққийёт қучаси 2-уй

ИНН: 305965322 ОКЭД: 72210

ШХР: 301821860224012063201110194


Сурхондарё вилоят Газначилик бошқармаси

Газ/хр 23402000300100001010 ИНН 201 122 919

МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Бошлик:  Ю. Менглиев





БАЁННОМАСИ

Узун тумани «Чинор» МФЙ ичимлик сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш объектининг лойиха-смета ҳужжатлари, топосъёмка ишлари ва қурилиш устидан муаллифлик назорати ишларини олиб боришни топширади мақсадида, биз қуйида имзо чекувчилар «Буюртмачи» томонидан “Ўзсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси директори Ю.Менглиев ва «Бажарувчи» томонидан «Бино Иншоот Меъмор Лойиха» МЧЖ директори А.Адинаев томонлар ўртасида лойиха-смета ҳужжатларни ишлаб чиқариш нарҳини 22 200 000 (Йигирма икки миллион икки юз минг) сум миқдориди келишганимизни тасдиқлаймиз.

Базавий нарҳда ҳисобга олинмаган материаллар нарҳини узғариши ва меҳнат иш ҳақининг узғариб туриши сабабли шартнома нарҳи очик қолади.

Ушбу баённома «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» орасидаги узаро ҳисоб китоб қилиш ва туловни амалга ошириш учун асос бўла олади.

КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Шартнома бўйича ишнинг номи ва унинг бажарилиш босқичлари	Ишнинг бажарилиш муддати	Ишнинг ҳисоб нарҳи, сум
1	2	3	4
1	Узун тумани «Чинор» МФЙ ичимлик сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш объектининг лойиха-смета ҳужжатлари, топосъёмка ишлари ва қурилиш устидан муаллифлик назорати ишларини бажариш	20 кун давомида	22 200 000
	Жами:		22 200 000

Эслатма: Шартномани имзоланиши ва туланишига қараб ишнинг бажарилиш вақтини узгартириш ҳуқуқини «Бажарувчи» ўз зиммасига қолдиради.

“Бино Иншоот Меъмор Лойиха” МЧЖ директори:




А.Адинаев

“Ўзсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси



А.Сафаров

№ 112/2022-сонли ШАРТНОМА ДАЛОЛАТНОМАСИ

Лойиха-смета хужжатларнинг тайёрлиги хакида

Биз қуйида имзо чекувчилар «Буюртмачи» томонидан “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва «Бажарувчи» томонидан «Бино Иншоот Меъмор Лойиха» маъсулияти чекланган жамияти Узун тумани «Чинор» МФЙ ичимлик сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш объектининг лойиха-смета хужжатлари, топосъемка ишлари ва қурилиш устидан муаллифлик назорати ишларини бажариш.

29-11 2022 йилдаги ҳолати хакида ушбу далолатномани туздик.

№ т/р	Ишнинг номланиши	Смета баҳоси сўм	Бажарилган		
			Иш бошидан 2022 йилгача	Йил бошидан 2022 йилгача	Шу жумладан Хисобот даврида
1	Узун тумани «Чинор» МФЙ ичимлик сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш объектининг лойиха-смета хужжатлари, топосъемка ишлари ва қурилиш устидан муаллифлик назорати ишларини бажариш	22 200 000	22 200 000	22 200 000	22 200 000
	ЖАМИ:	22 200 000	22 200 000	22 200 000	22 200 000

Жами туловга: ққс билан 22 200 000 (Йигирма икки миллион икки юз минг) сўм

“Бино Иншоот Меъмор Лойиха” МЧЖ директори:

 А.Адинаев

Ўзсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

 А.Сафаров

